



«KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» AJ
акциядорларининг
2017 йил 19 апрелдаги
навбатдан ташқари умумий йиғилиши
(2-сон баённома)
қарори билан тасдиқланган



Йиғилиш раиси

А.А.Камалов

«KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» aksiyadorlik jamiyati

У С Т А В И

(янги тахрир)

ТОШКЕНТ шаҳри

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» aksiyadorlik jamiyati Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 мартдаги ««Кафолат» ДАСКни ташкил қилиш тўғрисида»ги 144-сонли қарор асосида акциядорлик жамияти ҳуқуқий шаклида ташкил қилинган. Жамиятнинг фаолият муддати чекланмаган.

1.2. «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» AJ (кейинги ўринларда «Компания» деб аталади) ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорларига, Ҳукумат қарорларига ва мазкур Уставга риоя қилган ҳолда амалга оширади.

1.3. Компаниянинг тўлиқ номи:

- ўзбек тилида: «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» aksiyadorlik jamiyati;
- рус тилида Акционерное общество «Страховая компания КАФОЛАТ»;
- инглиз тилида: «KAFOLAT Insurance Company» Joint-Stock Company.
- Компаниянинг қисқартирилган номи:
- ўзбек тилида: «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» AJ;
- рус тилида: АО «Страховая компания КАФОЛАТ»;
- инглиз тилида: «KAFOLAT Insurance Company» JSC.

1.4 Компаниянинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусobod тумани, Мустақиллик майдони-5.

Компаниянинг веб-сайти: www.kafolat.uz.

Компаниянинг электрон почта манзили: info@kafolat.uz.

1.5. Компания мустақил юридик шахс ҳисобланиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Компания ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулклари билан жавобгар бўлади.

1.6. Компания ўзининг барча таркибий тузилмалари билан биргаликда ягона юридик шахс бўлиб, у мустақил балансда ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулкка эга. Компания ўз мулкларидан мустақил фойдаланади ва тасарруф этади, ўз номидан шартномалар тузиш, мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларга эга бўлиш, зиммасига мажбуриятлар олиш, қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз фаолиятининг мақсадларида ўз мулкига эгалик қилиш, фойдаланиш, бошқариш ва уни тасарруф қилиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

Компания ўзининг номи тўлиқ ёки қисқартирилиб ёзилган думалоқ муҳрига, штампларга, бланкларга ва ўз тимсолига эга бўлади. Компания ва унинг таркибий тузилмалари муҳрларида номи давлат тилида қўшимча равишда рус ёки инглиз тилида кўрсатилиши мумкин.

1.7. Компаниянинг таркибий тузилмалари қуйидагилардир:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Ижроия органи (Бошқаруви);
- Компаниянинг Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги филиаллари;
- Компаниянинг Республика шаҳарларидаги бўлинмалари ва суғурта марказлари.

Компания ўз филиаллари, бўлинмалари ва суғурта марказлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлади.

1.8. Акциядорлар Компаниянинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлайди. Акциялар ҳақининг ҳаммасини тўламаган акциядорлар Компания мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

Компания ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.9. Компания давлатнинг ва унинг органлари ўз зиммасига олган мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек давлат ва унинг органлари Компаниянинг ўз зиммасига олган мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2. ФАОЛИЯТНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ), МАҚСАД ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

2.1. Компания фаолиятининг асосий йўналиши суғурта бозори профессионал иштирокчиси сифатида суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятдан иборатдир. Компания фаолиятининг мақсади мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш ҳамда фойда олиш.

2.2 Компания ўзига юклатилган вазифаларни амалга оширишда қуйидаги функцияларни бажаради:

- а) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда суғуртанинг ихтиёрий ва мажбурий турларини амалга оширади, маҳаллий ва хорижий юридик ҳамда жисмоний шахсларга суғурта хизматлари кўрсатади;
- б) белгиланган тартибга биноан суғурта товони миқдорини аниқлайди ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга суғурта товони тўловини амалга оширади;
- в) Компания амалга ошириладиган суғурта турларига доир қоидаларни (шартларни) қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилайди, суғурта қилдирувчиларнинг эҳтиёжларини тўлиқроқ қаноатлантирилишига ёрдам берувчи янги суғурта турларини ишлаб чиқади ҳамда татбиқ этади;
- г) қабул қилинган суғурта мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун Компания ҳам сўмда, ҳам чет эл валютасида тўланган суғурта мукофотларидан махсус ваколатли давлат органи белгиланган тартибда ва шартларда суғурта захираларини шакллантиради ҳамда жойлаштиради.
- д) суғурта ходисалари юз беришининг олдини олиш ва огоҳлантириш чора-тадбирларини белгиланган тартибда ва шартларда молиялаштиради;
- е) биргаликда суғурталаш ва қайта суғурталаш шартномаларига асосан тўлов операцияларини Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида, шунингдек чет эл валютасида амалга оширади;
- ж) Компания ўз суғурта фаолиятини оммавий ахборот воситалари орқали реклама қилади, суғурта масалалари бўйича маслаҳатлар беради.
- з) махсус ваколатли давлат органи белгиладиган тартибда ва шартларда инвестиция фаолиятини амалга оширади, қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга оширади;
- и) суғурталаш (қайта суғурталаш) соҳасида мутахассисларнинг малакасини ошириш билан боғлиқ фаолиятни, шунингдек суғурта агенти сифатида суғурта воситачилиги билан боғлиқ бўлган фаолиятни амалга оширади;
- к) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва давлат ташкилотлари, ҳамда чет давлатларнинг суғурта ташкилотлари билан алоқалар ўрнатади, ҳамкорлик қилади ва биргаликда суғурта фаолиятини юритади;
- л) чет эл суғурталовчиларига сюрвейер ва аждастер хизматларини кўрсатади;
- м) Компания қонунда белгиланган тартибда чет давлатларда ҳам суғурта ташкилотлари, қўшма корхоналар ва хўжалик юритувчи бошқа субъектлар ташкил қилиши, ёки чет давлат ташкилотларига улуш қўшиш йўли билан иштирок этиши мумкин;
- н) бошқа қонунчилик билан чекланмаган фаолият тури билан шуғулланиш;

о) компания ихтиёридаги биноларни ижарага бериши мумкин.

Компания Ўзбекистон Республикасида ва Республика ташқарисида ўз вакиллигини очиши мумкин, вакиллик Компаниянинг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. БОШҚАРУВ ВА НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ

Компанияни акциядорларининг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи бошқаради.

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМЙЙ ЙИҒИЛИШИ

3.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Компаниянинг юқори бошқарув органи бўлиб, Компания фаолияти билан боғлиқ ваколат доирасидаги барча масалаларни ҳал қилади, ўз фаолиятида қонун ҳужжатларига, ушбу Уставга ва «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» AJ Акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низомга риоя этади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- Компаниянинг уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Компаниянинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;
 - Компанияни қайта ташкил этиш;
 - Компанияни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
 - Компания кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
 - эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
 - Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;
 - ўз акцияларини олиш;
 - Компаниянинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
 - Компания тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек, тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
 - Компаниянинг йиллик ҳисоботини, шунингдек, компания фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда компанияни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
 - компаниянинг фойдалари ва зарарларини тақсимлаш;
 - Компания кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколатлари доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиш юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг ҳулосаларини эшитиш;
 - Компания томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида амалдаги қонун ҳужжатлари назарда тутилган қарорни қабул қилиш;
 - акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
 - акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
 - Компания ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларининг энг юқори миқдорини белгилаш;
 - қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда компания томонидан йирик битимлар ва компания аффилианган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - қонун ҳужжатларига ҳамда ушбу Уставда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.
- Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Компаниянинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

3.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини компания кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, компания кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

Компания ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиш шарт.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай йилнинг 2-чорагида ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида компаниянинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, компания ижроия органи (Бошқарув)нинг аъзолари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги, аудиторлик текшируви ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш тўғрисидаги масалалар, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш масалалари ҳал этилади, шунингдек компания йиллик ҳисоботи, Компания ижроия органи ва кузатув кенгашининг Компанияни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана ва уни ўтказиш тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материаллар (ахборотлар) рўйхати Компаниянинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

3.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- Компания номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- компания акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;
- умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) компаниянинг йиллик ҳисоботи, компаниянинг йиллик молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан компания тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг ҳулосаси, компания кузатув кенгашининг коллегиял ижроия органининг раҳбари (бошқарув раиси) билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги ҳулосаси, шунингдек компаниянинг кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчилигига) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, компаниянинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёхуд компаниянинг янги таҳрирдаги устав лойиҳаси киради.

3.4. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда компаниянинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чакирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда компаниянинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами кирк фоизидан ортиқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтказилган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар килиш ушбу Уставнинг 3.3.-бандида назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йиғирма кундан кам муддатга кучирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган компания акциядорларининг реестрига мувофиқ аникланади.

3.5. Акциядорлар умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича компаниянинг оддий акцияларининг эгалари бўлмиш акциядорлар ва амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда жамият имтиёзли акцияларининг эгалари бўлмиш акциядорлар овоз бериш ҳуқуқига эгадир.

Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар бошқа қоида белгиланганмаган бўлса, компаниянинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «компаниянинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, бундан жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари мустасно.

3.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қонунчиликда белгиланган қарорлар бўйича Умумий йиғилишда иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади:

- Компания Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки компаниянинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш;

- Компанияни қайта ташкил қилиш;

- Компанияни тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- Ўзлон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада компания соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади;

- йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқиш;

- аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажлисда иштирок этаётган компания кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан ёхуд акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорларнинг маалаки кўпчилик овози билан қабул қилиш;

- амалдаги қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда йирик битимларни тузиш.

3.7. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

3.8. Умумий йиғилиш қабул қилган қарорлар Компаниянинг ҳамма акциядорлари учун мажбурийдир.

Факат узрли сабабларга кўра акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган акциядор, акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

3.9. Акциядорларнинг умумий йиғилиши йиғилишнинг кун тартибига киритилмаган масалалар юзасидан қарор қабул қилиш мумкин эмас.

3.10. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари бу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

3.11. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган Компания акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

3.12. Компания овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Компаниянинг молия йили тугагандан кейин узоғи билан 90 кун ичида акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ва Компаниянинг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Акциядорлар (акциядор) компания кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига компания акциядорларининг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабабларини, масалани таклиф этаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) номини, унга тегишли акцияларнинг сони ва тўрини кўрсатган ҳолда ёзма равишда киритилади.

Компания кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) номзодлар кўрсатиш, шу жумладан ўзининг номзодини кўрсатиш тўғрисида таклиф киритилганда номзоднинг исми, башарти номзод компания акциядори бўлса, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури, шунингдек номзодни кўрсатган акциядорларнинг исми, уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

3.13. Компания акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этувчи шахсга шундай шахс ҳисобидан ўзи тўлдирган бюллетень нусхасини олиш имконини беради.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

3.14. Компаниянинг кузатув кенгаши Компания фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно. Кузатув кенгашининг фаолият тартиби Компания Акциядорларининг умумий йиғилиши тасдиқлаган кузатув кенгаши ҳақидаги Низом билан белгиланади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра компания кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

3.15. Компания Кузатув кенгаши етти нафар аъзодан иборат бўлиб, улар қонун ҳужжатларида ва ушбу уставда назарда тутилган тартибда акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланадилар.

Компания кузатув кенгаши таркибига сайланган шахсларнинг қайта сайланишлари чекланмайди.

Компания ижроия органининг аъзолари кузатув кенгашига сайланишлари, тайинланишлари мумкин эмас.

Компанияда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар компаниянинг кузатув кенгаши аъзолари бўлиши мумкин эмас.

Компаниянинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони компаниянинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

Энг кўп овоз тўплаган номзодлар кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

Компания кузатув кенгашига номзод шахс қуйидаги малака талабларига мос келиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий маълумотга ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги олий маълумотга эквивалент деб тан олинган олий маълумотга эга бўлиши;

б) Ишлаб чиқариш, иктисодиёт, молия ёки суғурта соҳаларида раҳбарлик лавозимларида 3 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши.

3.16. Компания кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

Компания кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

Компания кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, компания акциядорлари умумий йиғилишида раислик қилади.

Компания кузатув кенгашининг раиси йўқлигида унинг вазифасини кузатув кенгаши аъзоларидан бири бажариб туради.

3.17. Компания кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббуси билан, кузатув кенгашининг аъзоси, тафтиш комиссиясининг, компания ижроия органининг, шунингдек компания ички аудит хизмати бошлиғи талабига биноан чақирилади.

Компаниянинг 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгаларига кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқини тақдим этади.

Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизидан иборат. Кузатув кенгаши аъзоларининг сони ушбу уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлиб қолса, компания кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг ана шундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидагина қарор қабул қилишга, шунингдек компания ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар амалдаги қонунчиликда ва ушбу уставда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Компания кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва компаниянинг уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар компания кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Аффилланган шахс билан битим тузиш тўғрисидаги қарор мазкур битимни тузишдан манфаатдор бўлмаган кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади. Компаниянинг аффилланган шахси кузатув кенгаши мазкур битим юзасидан қарор қабул қилаётганда муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолларда кузатув кенгашининг қарорини қабул қилишда кузатув кенгаши раиси ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эгадир.

Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

Компания кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган компания кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) қабул қилиниши мумкин. Кузатув кенгашининг сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) қабул қилинадиган қарорлари компания кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Компания кузатув кенгашининг баённомаси у имзоланган куни компаниянинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот компаниянинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

3.18. Компания кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

– Компанияни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида компания ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда компания фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш. Компания ривожланиш режасини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва унда белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги учун экспертларни жалб этиш;

– компания акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан компания кузатув кенгаши амалдаги қонунчиликда белгиланган муддат ичида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин бўлган ҳоллар мустасно;

– акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

– акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

– акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун ҳамда умумий йиғилиш ўтказиш учун компания акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

– Йиллик молиявий ҳисоботларни Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига (ХМҲС) мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтиш бўйича амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштириш;

– Компанияни қайта ташкил этиш, уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, компаниянинг йиллик ҳисоботлари, бухгалтерия баланслари, фойда ва зарарлар ҳисобварақларини тасдиқлаш, унинг фойда ҳамда зарарларини тақсимлаш масалаларини ҳал қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилишига киритиш;

– мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- компаниянинг йиллик бизнес-режасини тасдиклаш;
- компаниянинг бошқарув аъзоларини, унинг раисини сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатдан олдин тугатиш;
- компания Бошқаруви раисининг компаниянинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан ҳар чораклик ҳисоботларини эшитиш;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек унинг ҳар чораклик ҳисоботларини эшитиш ва тасдиклаш масаласини кўриб чиқиш;
- компаниянинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;
- ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;
- компания тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан ҳамда аудиторлик ташкилотининг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилашга доир тавсиялар бериш;
- дивидендлар миқдори, уларни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- компаниянинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- компаниянинг ваколатхоналарини очиш ҳамда филиаллар ва бўлинмаларни ташкил этиш;
- компаниянинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда компания афилланган шахслари билан битимлар тузиш;
- қарор қабул қилинадиган кунда миқдори компания активлари баланс қийматининг ўн беш фоизидан ортиқ бўлган суғурта тўловларини амалга ошириш ҳақида қарорлар қабул қилиш;
- компаниянинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек компания уставига компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг майдончаларида юзага келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- компания томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- компаниянинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ҳамда уларни ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш;
- қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳал этиш;
- Кузатув кенгаши ҳомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби, шартларини белгилайди ҳамда мазкур масала юзасидан қарорни акциядорлар умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирада амалга оширади. Компаниянинг ҳомийликка сарфланадиган ҳар йилги харажатлари ўтган йилда олинган соф фойданинг 10 фоизидан ошмаслиги керак, ушбу харажатлар бизнес-режанинг ўтган ҳисобот давридаги соф фойдага тааллуқли қисми кўрсаткичлари бажарилганда рухсат этилади.

Компания кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун компаниянинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

3.19. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Акциядорларнинг умумий йиғилиши 3 кишидан иборат Тафтиш комиссиясини 1 йил муддатга сайлайди.

3.20. Тафтиш комиссияси компанияда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва компания ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисида ҳар чоракда асослантирилган хулоса чиқаради.

Компания тафтишчисига ёки тафтиш комиссияси аъзоларига доир малакавий талаблар компания акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

Тафтиш комиссияси:

- ҳар йили Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текширади (тафтиш қилади);
- Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилинишини текширади;
- Компаниянинг йиллик баланси хусусида хулоса беради;
- Компания фаолиятига жиддий хавф солувчи ҳолатларни аниқлаганда Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида таклиф киритади.

3.21. Тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби Акциядорларнинг умумий йиғилиши тасдиқлайдиган Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомга мувофиқ белгиланади.

3.22. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, кузатув кенгашининг тапаббусига кўра ёки компания овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра компания кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

3.23. Компаниянинг Тафтиш комиссияси Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақирилишини талаб қилишга ҳақлидир.

3.24. Компаниянинг Тафтиш комиссияси аъзолари бир вақтнинг ўзида Кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, Компанияда меҳнат шартномаси (контракти) бўйича ишлаши мумкин эмас.

3.25. Компания ходимлари ва мансабдор шахслари Тафтиш комиссиясининг ёзма талаби бўйича унга Компания фаолиятига таалукли бўлган материал ва ҳужжатларни тақдим этишга, шунингдек тафтиш бўйича зарур шахсий тушунтиришлар беришга мажбур.

3.26. Акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган Компаниянинг йиллик ҳисоботидаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг тўғри эканлиги Компаниянинг тафтиш комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

3.27. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра тафтиш комиссияси хулоса тайёрлайди, бу хулосада:

- ҳисоботларда ва компаниянинг бошқа молия ҳужжатларида акс эттирилган маълумотлар қай даражада тўғрилигига баҳо берилади;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молия ҳисоботини тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш чоғида қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилади. Мазкур хулосалар компания акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

КОМПАНИЯ БОШҚАРУВИ

3.28. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг тақдимномасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланган Бошқарув раиси раҳбарлик қилувчи Бошқарув компаниянинг ижроия органи ҳисобланади. Бошқарув раисини тайинлаш тўғрисида қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

Компания ижроия органи (Бошқаруви) аъзолари 5 кишидан иборат.

Компания Бошқаруви ушбу Уставга ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган компания ижроия органи (Бошқаруви) тўғрисидаги Низомга мувофиқ иш олиб боради.

Компания ижроия органи (Бошқаруви) акциядорлар умумий йиғилишининг ва Компания кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

Компания ижроия органининг (Бошқарувининг) ваколат доирасига компаниянинг қўндалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, бундан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига ёки компания кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар мустасно.

Компания, Кузатув кенгашининг қарорига биноан, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида ўзининг филиалларини, ваколатхоналарини очиши, ҳамда шўъба ва тобе қорхоналарини ташкил этиши ва тугатиши мумкин.

Компания фаолиятида корпоратив қўнунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилишга маъсул бўлган ва кузатув кенгашига ҳисобот берувчи корпоратив маслаҳатчи лавозимини жорий этиши мумкин.

3.29. Компаниянинг ижроия органи (Бошқаруви) тўғрисидаги Низомга мувофиқ Бошқарув раиси бошчилигидаги Бошқарув ўз ҳатти-ҳаракатлари учун Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Компаниянинг Кузатув кенгаши олдида жавоб беради.

Компания Бошқарув раиси ва ижроия органининг (Бошқарувининг) қолган аъзоларига лавозим меҳнат ҳақи, муқофот, компенсация ва бошқа тўловлар Компания кузатув кенгаши қарори асосида белгиланади.

3.30. Компания Бошқарув раиси Компания номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, ва ушбу масалаларни ҳал қилади:

- Компаниянинг оператив фаолиятини ташкил этади;
- Бошқарув аппарати ходимларини, Компаниянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда «Андеррайтинг маркази» филиаллари директорларини лавозимига тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади, шунингдек филиал директори ўринбосари ва бош бухгалтерини лавозимига тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш ваколати берилади ва филиал бўлинмаларининг бошлиқларини филиал директори томонидан лавозимига тайинлашга розилик беради;
- Бошқарув раиси ўринбосарлари ва бошқарув аппарати ходимлари ўртасида вазифалар ҳамда ваколатларни тақсимлайди;
- Компания мулкни бошқаради, ишончномалар беради, банкларда банк ва бошқа ҳисобварақларини очади;
- Бошқарув аппарати ва Компаниянинг таркибий тузилмалари ходимларининг штат жадвалларини, келгусидаги ҳаражатларини тасдиқлайди, ходимларга, шу жумладан Компания филиаллари директорлари меҳнатига ҳақ тўлаш, уларни муқофотлаш ва тақдирлаш тўғрисидаги Низомни, Бошқарув аппарати ходимлари ва филиаллар директорлари ҳамда бош бухгалтерларининг лавозим ойлик меҳнат ҳақиға устамаларни тасдиқлайди;
- Бошқарув ва Компаниянинг таркибий тузилмалари ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва қўрсатмалар беради;
- Компаниянинг филиалларига бўйсунувчи бўлинмалар, суғурта марказлари очади;
- Компаниянинг белгиланган иш режаларини, Компания Акциядорлари умумий йиғилишининг ва Кузатув кенгашининг қарорларини бажарилишини ташкил этади;

- Компания фаолияти билан боғлиқ бўлган низолар юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд ва бошқа давлат органларида компания ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади;
- Компания номидан битимлар тузади;
- Компания фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади;
- тузилган суғурта шартномалари бўйича филиалларнинг жавобгарлик лимитларини белгилайди;
- суғурталаш қоидаларини ва Компания фаолиятини амалга оширишга доир меъёрий ҳужжатларни тасдиқлайди ва бекор қилади.

КОМПАНИЯНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ

3.31. Компаниянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва «Андеррайтинг маркази» филиалларига Компания Бошқаруви раиси тайинлайдиган директорлар раҳбарлик қиладилар.

Вилоят, шаҳар филиаллари ва филиал бўлинмалари ходимларининг лавозим меҳнат ҳақиға устамаларни ва мукофотлаш, тақдирлаш тўғрисидаги Низомни компания Бошқарув раиси тасдиқлайди.

Филиал директори филиал ҳамда бўлинмалар ходимлари билан белгиланган тартибда меҳнат шартномаси тузиш ва бекор қилиш ҳуқуқига эга.

3.32. Компания филиаллари ва бўлинмалари мустақил юридик шахс ҳисобланмайди ўз фаолиятини «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» AJ номидан Компания Бошқарув раиси томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.

3.33. Филиаллар Компания кузатув кенгаши тасдиқлаган «Филиаллар тўғрисида»ги Низом асосида ишлайди, ўз тугалланмаган балансига, думалок муҳрига, бурчак штампига, банкларда банк ва валюта ҳисобварақларига эга бўлади.

3.34. Компания филиали:

- Бошқарув тасдиқлайдиган суғурта мукофоти тушуми режасини ишлаб чиқади;
- статистик ва бухгалтерия ҳисобини ташкил этади ва юритади, филиал бўлимларида иш йўлга қўйилишини назорат қилади;
- Компания Бошқаруви тасдиқлаган меъёрий ҳужжатларда белгиланган миқдорда суғурта пулини қирим қилади ҳамда суғурта товон пулини миқдорини аниқлайди ва тўлайди;
- Компания Бошқаруви белгиланган лимитлар доирасида мажбурий ва ихтиёрий суғурта турлари операцияларини амалга оширади;
- Компания Бошқарувига чораклик ва йиллик ҳисоботлар тақдим этилишини, шунингдек меъёрномадарда кўзда тутилган барча маблағлар ўтказилишини таъминлайди;
- суд ва бошқа давлат органларида ўз манфаатларини ҳимоя қилади;
- Компаниянинг бўлинмалари штат жадвалини тасдиқлайди;
- банкларда ҳисобварақлари очади ва уларни ёпади;
- Компания Бошқаруви филиалга юклаган вазифа ва функцияларни бажаради;
- Компания Бошқаруви тасдиқлайдиган харажатлар режасини ишлаб чиқади.

3.35. Компания ўзи ташкил қилган таркибий тузилмаларини мол-мулк билан таъминлайди.

3.36. Компания ўзининг ҳудудий филиалларига ва уларга буйсинувчи бўлинмаларига эга.

ФИЛИАЛ БЎЛИНМАЛАРИ

3.37. Компаниянинг филиал бўлинмаларига Бошқарув раиси билан келишилган ҳолда филиал директори томонидан тасдиқланган бошлиқ раҳбарлик қилади.

Бўлинма бошлиғига белгиланган тартибда бўлинма ходимлари билан меҳнат шартномаси тузиш ва бекор қилиш ҳуқуқи берилган.

3.38. Компания филиалининг бўлинмаси мустақил юридик шахс ҳисобланмайди, у «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» AJ номидан унга берилган ишончнома ва Бўлинма тўғрисидаги Низом асосида, белгиланган ҳуқуқ ҳамда ваколатлар доирасида фаолиятини амалга оширади, думалок муҳрга, банкларда банк ва валюта ҳисобварақларига эга бўлади.

Компания бўлинмаларига ушбу вазифалар юклатилади:

- Компания Бошқаруви белгилаган лимит доирасида суғурта операцияларини амалга ошириш;

- суғурта операцияларининг статистик ва бухгалтерия ҳисобини юритиш, иш юритиш,
- суғурта пули миқдорини аниқлаш ҳамда суғурта товони тўлаш;
- пул маблағлари ва моддий бойликлар бутлигини таъминлаш;
- белгиланган муддатларда чораклик ва йиллик ҳисоботларни Компания филиалига тақдим

этиш;

- шартномалар тузиш, суд ва бошқа органларда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш;
- ўзига юкланган бошқа вазифаларни бажариш.

4. УСТАВ ФОНДИ ВА АКЦИЯЛАР

4.1. Компаниянинг Устав фонди 29 930 480 940,0 (Йигирма тўққиз миллиард тўққиз юз ўттиз миллион тўрт юз саксон минг тўққиз юз қирк) сўм миқдорида шакллантирилган.

Қонунчиликда суғурта ташкилотлари устав фондларини шакллантириш учун Евро ҳисобида талаблар киритилиши муносабати билан сўмда шакллантирилган устав фонд Евро ва АҚШ доллари эквивалентига қайта ҳисоблаб чиқилди ва у қуйидаги кўринишга эга:

	Жамиятнинг уставига ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтган сана	Устав фонди миқдори			Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган расмий курс	
		Сўм	АҚШ доллари	Евро	АҚШ доллари	Евро
1	04.01.2000й.	500 000 000	3 559 732	3 502 627	140,46	142,75

05.06.2001 йилда компания устав фонди 100 000 000,0 (юз миллион) сўмга оширилган.

	Жамиятнинг уставига ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтган сана	Устав фонди миқдори			Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган расмий курс	
		Сўм	АҚШ доллари	Евро	АҚШ доллари	Евро
2	05.06.2001й.	100 000 000	278 932	327 697	358,51	305,16
	Жами устав фонди	600 000 000	3 838 664	3 830 324		

13.05.2003 йилда компания устав фонди 250 000 000,0 (икки юз эллик миллион) сўмга оширилган.

	Жамиятнинг уставига ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтган сана	Устав фонди миқдори			Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган расмий курс	
		Сўм	АҚШ доллари	Евро	АҚШ доллари	Евро
3	13.05.2003й.	250 000 000	257 899	222 826	969,37	1121,95
	Жами устав фонди	850 000 000	4 096 563	4 053 150		

25.08.2004 йилда компания устав фонди 375 000 000,0 (уч юз етмиш беш миллион) сўмга оширилган.

	Жамиятнинг уставига ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтган сана	Устав фонди миқдори			Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган расмий курс	
		Сўм	АҚШ доллари	Евро	АҚШ доллари	Евро
4	25.08.2004й.	375 000 000	363 323	295 480	1032,14	1269,12
	Жами устав фонди	1 225 000 000	4 459 886	4 348 630		

31.05.2006 йилда компания устав фонди 775 001 150,0 (етти юз етмиш беш миллион бир минг бир юз эллик) сўмга оширилган.

	Жамиятнинг уставига ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтган сана	Устав фонди миқдори			Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган расмий курс	
		Сўм	АҚШ доллари	Евро	АҚШ доллари	Евро
5	31.05.2006й.	775 001 150	634 280	497 746	1 221,86	1 557,02
	Жами устав фонди	2 000 001 150	5 094 166	4 846 376		

11.09.2008 йилда компания устав фонди 500 000 900,0 (беш юз миллион тўққиз юз) сўмга оширилган.

	Жамиятнинг уставига ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтган сана	Устав фонди миқдори			Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган расмий курс	
		Сўм	АҚШ доллари	Евро	АҚШ доллари	Евро
6	11.09.2008й.	500 000 900	377 473	261 952	1 324,60	1 908,75
	Жами устав фонди	2 500 002 050	5 471 639	5 108 328		

15.05.2009 йилда компания устав фонди 500 000 900,0 (беш юз миллион тўққиз юз) сўмга оширилган.

	Жамиятнинг уставига ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтган сана	Устав фонди миқдори			Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган расмий курс	
		Сўм	АҚШ доллари	Евро	АҚШ доллари	Евро
7	15.05.2009й.	500 000 900	342 906	251 120	1 458,13	1 991,08
	Жами устав фонди	3 000 002 950	5 814 545	5 359 448		

25.12.2009 йилда компания устав фонди 748 000 925,0 (етти юз қирқ саккиз миллион тўққиз юз йигирма беш) сўмга оширилган.

	Жамиятнинг уставига ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтган сана	Устав фонди миқдори			Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган расмий курс	
		Сўм	АҚШ доллари	Евро	АҚШ доллари	Евро
8	25.12.2009й.	748 000 925	495 089	341 272	1 510,84	2 191,80
	Жами устав фонди	3 748 003 875	6 309 634	5 700 720		

14.07.2010 йилда компания устав фонди 4 452 001 575,0 (тўрт миллиард тўрт юз эллик икки миллион бир бинг беш юз етмиш беш) сўмга оширилган.

	Жамиятнинг уставига ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтган сана	Устав фонди миқдори			Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган расмий курс	
		Сўм	АҚШ доллари	Евро	АҚШ доллари	Евро
9	14.07.2010й.	4 452 001 575	2 781 493	2 207 250	1 600,58	2 016,99
	Жами устав фонди	8 200 005 450	9 091 127	7 907 970		

19.06.2013 йилда компания устав фонди 1 372 245 810,0 (бир миллиард уч юз етмиш икки миллион икки юз қирқ беш минг саккиз юз ўн) сўмга оширилган.

	Жамиятнинг уставига ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтган сана	Устав фонди миқдори			Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган расмий курс	
		Сўм	АҚШ доллари	Евро	АҚШ доллари	Евро
10	19.07.2013й.	1 372 245 810	652 990	507 247	2 101,48	2 705,28
	Жами устав фонди	9 572 251 260	9 744 117	8 415 217		

15.12.2014 йилда компания устав фонди 16 589 477 190,0 (ўн олти миллиард беш юз саксон тўққиз миллион тўрт юз етмиш етти минг бир юз тўксон) сўмга оширилган.

	Жамиятнинг уставига ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтган сана	Устав фонди миқдори			Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган расмий курс	
		Сўм	АҚШ доллари	Евро	АҚШ доллари	Евро
10	29.12.2014й.	16 589 477 190	6 860 259	5 528 609	2418,20	3000,66
	Жами устав фонди	26 161 728 450	16 604 376	13 943 826		

28.01.2015 йилда компания устав фонди 1 994 145 735,0 (бир миллиард тўққиз юз тўксон тўрт миллион бир юз қирқ беш минг етти юз ўттиз беш) сўмга оширилган.

	Жамиятнинг уставига ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтган сана	Устав фонди миқдори			Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган расмий курс	
		Сўм	АҚШ доллари	Евро	АҚШ доллари	Евро
12	02.02.2015й.	1 994 145 735,0	818 561	704 588	2436,16	2830,23
	Жами устав фонди	28 155 874 185,0	17 422 937	14 648 414		

17.06.2015 йилда компания устав фонди 1 774 606 755,0 (бир миллиард етти юз етмиш тўрт миллион олти юз олти минг етти юз эллик беш) сўмга оширилган.

	Жамиятнинг уставига ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтган сана	Устав фонди миқдори			Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган расмий курс	
		Сўм	АҚШ доллари	Евро	АҚШ доллари	Евро
10	19.06.2015й.	1 774 606 755,0	696 957	619 824	2546,22	2863,08
	Жами устав фонди	29 930 480 940,0	18 119 894	15 268 238		

Компаниянинг Устав фонди 18 119 894 (ўн саккиз миллион бир юз ўн тўққиз минг саккиз юз тўксон тўрт) АҚШ доллари ёки 15 268 238 (ўн беш миллион икки юз олти минг саккиз минг икки юз ўттиз саккиз) Евро эквивалентини ташкил қилади.

4.2. Компания акциядорлари томонидан сотиб олинган (жойлаштирилган) акцияларнинг сони 29 930 480 940 (йигирма тўққиз миллиард тўққиз юз ўттиз миллион тўрт юз саксон минг тўққиз юз қирқ) дона эгасининг номи ёзилган акциялардан иборат. Шундан, 29 922 300 940 (йигирма тўққиз миллиард тўққиз юз йигирма икки миллион уч юз минг тўққиз юз қирқ) донаси оддий ва 8 180 000 (саккиз миллион бир юз саксон минг) донаси имтиёзли акциялардир.

Бир дона акциянинг номинал қиймати 1,0 (бир) сўмни ташкил этади.

Компания жойлаштирилган акцияларга қўшимча ҳар бирининг номинал қиймати 1,0 (бир) сўм бўлган 15 340 388 368,0 (ўн беш миллиард уч юз қирқ миллион уч юз саксон саккиз минг уч юз олтимиш саккиз) дона эгасининг номи ёзилган олдий акцияларни ҳамда 2 000 000,0 (икки миллион) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақлидир.

4.3. Компаниянинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади.

4.4. Компаниянинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

Акцияларни қўшимча чиқариш фақат Компаниянинг илгари жойлаштирилган барча акциялари тўлиқ тўлангандан кейингина амалга оширилиши мумкин. Акцияларни қўшимча чиқариш тўғрисидаги қарор фақат ушбу Уставга акцияларнинг олдинги чиқарилиши натижаларига кўра жойлаштирилган ва эълон қилинган акциялар сонининг янги миқдорига нисбатан киритилган ўзгаришлар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин қабул қилиниши мумкин.

Компания акцияларини хусусий йўсинда жойлаштириш (олдиндан маълум бўлган, сони чекланган инвесторлар орасида ёпиқ обуна қилиш, оммавий эълон бермаган ва реклама компанияси ўтказмаган ҳолда) ҳамда оммавий жойлаштириш (сони чекланган инвесторлар орасида рекламадан фойдаланган ҳолда очиқ обуна қилиш) йўли билан жойлаштиришга ҳақли.

Компания қўшимча акцияларни фақат ушбу Уставда белгиланган эълон қилинган акциялар миқдори доирасидагина жойлаштириши мумкин.

Компания томонидан акцияларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

Компания акцияларини жойлаштириш конун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Қимматли қоғознинг бозор қиймати деганда энг эҳтимол тутилган нарх тушунилиб, унга кўра мазкур қимматли қоғоз очиқ бозорда битимнинг тарафлари барча зарур ахборотга эга бўлган ҳолда ўз манфаатлари йўлида оқилона ва ихтиёрий равишда ҳаракат қиладиган рақобат шартларида бошқа шахсга берилиши мумкин, битим нархининг баланд-пастлигида эса бирор-бир фавқулодда ҳолатлар, шу жумладан тарафлардан бирининг ушбу битимга қўшилиш мажбурияти ҳис этилмайди.

Агар қимматли қоғозлар фонд биржаси листингига киритилган бўлса, уларнинг биржа котировкаси нархи мазкур қимматли қоғозларнинг бозор қиймати деб эътироф этилади.

Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи компания кузатув кенгаши томонидан, қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Компаниянинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

4.5. Компаниянинг Устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шунингдек акцияларнинг бир қисmini кейинчалик муомаладан чиқариш шarti билан қайтариб сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин. Бунда Компания Устав фондини, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг мазкур Уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар рўйхатга олинган кундаги курси бўйича, бир миллион беш юз минг Еврога эквивалентидан кам миқдоргача камайтиришга ҳақли эмас.

Компания Устав фондини камайтириш ҳақида қарор қабул қилинган кундан бошлаб кечи билан 30 кун ичида бу қарор хусусида ўз кредиторларини ёзма равишда хабардор қилади. Кредиторлар хабарнома юборилган кундан эътиборан кечи билан 30 кун ичида Компаниядан ўз

мажбуриятларини мuddатидан олдин ижро этишни ва устав фондини камайтирилиши билан боғлиқ зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Акцияларнинг муомалада бўлиш тартиби, улар эгаларининг ҳуқуқ, ва бурчлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари, унинг ҳудудида амал қилувчи қонун ҳамда меъёрий ҳужжатлар ва ушбу Устав билан белгилаб қўйилади.

5. КОМПАНИЯНИНГ СУҒУРТА ЗАХИРАЛАРИ, ФОНДЛАРИ ВА СОФ АКТИВЛАРИ

5.1. Компаниянинг суғурта захиралари:

Компаниянинг суғурта захиралари олинган суғурта муқофотларидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳамда шартлар билан ҳосил қилинади;

Суғурта захиралари Компания ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаришни таъминлаш учун мўлжалланган;

Компания ҳосил қилган суғурта захиралари мусодара қилинмайди;

5.2. Компаниянинг захира фонди:

Компаниянинг захира фонди Компания ҳар йил якуни бўйича олган соф фойдасининг 10 фоизидан 20 фоизигача бўлган миқдорини мажбурий ажратиш йўли билан, миқдори Устав фонднинг 30 фоизига тенг бўлгунга қадар ҳосил қилинади;

Захира фонди Компания кўрган зарарлар ўрнини қоплаш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ акцияларни сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун мўлжалланган;

Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

5.3. Бошқа фондлар:

Компания солиқлар тўлангандан сўнг ва мажбурий ажратмалар амалга оширилгандан сўнг унинг ихтиёрида қоладиган соф фойдадан ўз фаолиятини таъминлаш учун бошқа зарур фондларни ҳосил қилиши мумкин.

Фондлар миқдори ва уларни ҳосил қилишга йўналтириладиган ажратмалар миқдори, шунингдек ушбу фондлардан фойдаланиш мақсадлари Компаниянинг Кузатув кенгаши тасдиқлайдиган Фондлар тўғрисидаги низом билан белгилаб қўйилади.

Компаниянинг суғурта захиралари ва фондлари маблағлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилган ҳолда инвестиция қилиниши ёки бошқа тарзда жойлаштирилиши мумкин.

5.4. Компания соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича, компания активлари ва мажбуриятларининг умумий суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин компания акциядорларининг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия баъансига ёки аудиторлик текшируви натижаларига мувофиқ компания соф активларининг қиймати унинг устав фондидан (устав капиталидан) оз бўлиб чиқса, компания ўз устав фондини (устав капиталини) соф активлари қийматидан ошиб кетмайдиган миқдоргача камайтиришини эълон қилиши шарт.

Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин компания акциядорларининг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия баъансига ёки аудиторлик текшируви натижаларига кўра жамият соф активларининг қиймати компания устав фонднинг (устав капиталининг) энг кам миқдори Компания давлат рўйхатидан

Ўтказилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича тўрт юз минг АҚШ долларига тенг суммадан оз бўлиб чиқса, компания ўзининг тугатилиши ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш ёки компанияни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинмаган тақдирда унинг акциядорлари, кредиторлари, шунингдек ваколатли давлат органлари компанияни суд тартибида тугатишни талаб қилишга ҳақли.

6. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИ

6.1. Акциядорлар:

- Компания акциядорлари реестрига киритилиши;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Компания фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Компания тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали компанияни бошқаришда иштирок этиш;
- компаниянинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли равишда белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга;
- акциядорлар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин;
- акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим;
- акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни - мазкур акциялар эгасини ушбу қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда компанияни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди;
- Компания томонидан қўшимча акциялар чиқарилган ҳолатда акциядорлар компания устав капиталдаги улушига пропорционал равишда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

6.2. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар амалдаги қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, компания тугатилган тақдирда эса ўзларига тегишли улушга мувофиқ компания мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

6.3. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар, агар амалдаги қонун ҳужжатлари ва компания уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

Компаниянинг имтиёзли акциялари уларнинг эгалари бўлган акциядорларга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради ва оддий акциялар билан бир хил номинал қийматга эга бўлади.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида компанияни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этади.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида компания уставига имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар, шу жумладан, аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки қўпайтириш ва (ёки) тугатилиш қийматини белгилаш ёки қўпайтириш масалалари, шунингдек имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларга дивиденд ва (ёки) бу акцияларнинг тугатилиш қийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш ҳоллари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқини олади.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар умумий йиғилишнинг ваколат доирасига қарадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тўлиқ тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан кейинги йиғилишдан бошлаб эга бўлади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи мазкур акциялар бўйича дивидендлар биринчи марта тўлиқ миқдорда тўланган пайтдан эътиборан бекор қилинади.

6.4. Компания акциядорлари:

- Устав қоидаларига амал қилишга, Акциядорлар умумий йиғилиши ва компания бошқа бошқарув органларининг қарорларини ўз ваколатлари доирасида бажаришга;
- Компания олдида ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажаришга;
- Тижорат сири ҳисобланган компания фаолиятига боғлиқ бўлган ахборот маълумотларни ошкор қилмасликка мажбурлар.
- миноритар акциядор ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан компания бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги шарт.

6.5. Овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар:

Компанияни қайта ташкил этиш тўғрисида;

жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш ҳақида;

қонун ҳужжатларига мувофиқ компания томонидан мол-мулкни олиш ёки бошқа шахсга бериш билан боғлиқ йирик битим (бундан буён матнда йирик битим деб юритилади) тузиш тўғрисида;

Компания уставига овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чекловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми Компания томонидан қайтариб сотиб олиншини талаб қилишга ҳақлидир.

Ўзларига тегишли акциялар Компания томонидан қайтариб сотиб олиншини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати овоз бериш натижасида қонунчиликка мувофиқ акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келиши мумкин бўлган масалалар кун тартибига киритилган акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Компания акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади. Компания томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш ушбу акцияларнинг бозор қиймати бўйича амалга оширилади, бу қиймат Компаниянинг акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўладиган ҳаракати натижасида қийматнинг ўзгариши ҳисобга олинмаган ҳолда аниқланади.

Компания акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача Компания акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини ўттиз кун ичида эълон қилиши шарт. Акциядорнинг ўзига тегишли

акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида олинган тақдирда, Компаниянинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиши шарт.

Компания овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) компаниянинг молия йили тугаганидан кейин 90 кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда компания кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан шайланган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

7. КОМПАНИЯНИНГ МУЛКИ

7.1. Қуйидагилар Компания активларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

- Компаниянинг Устав фондига қўпиладиган пул маблағлари ва моддий бойликлар;
- Уставга мувофиқ фаолият кўрсатишдан ва қимматли қоғозлардан олинган даромадлар;
- жалб қилинган (қарзга олинган) маблағлар. Буларга банк ва бошқа ташкилотларнинг кредитлари, Компанияга вақтинча фойдаланиш учун берилган маблағлар, қимматли қоғозлар (акциялардан ташқари) чиқаришдан тушган маблағлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси конунлари, унинг ҳудудида амал қилувчи қонун ҳамда меъёрий ҳужжатлар билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7.2. Компания:

- компаниянинг уставини, уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартиш ва қўшимчаларни, компанияни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни, компания давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани;
- компаниянинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳукукини тасдиқловчи ҳужжатларни;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ва компаниянинг бошқа бошқарув органлари томонидан тасдиқланадиган ҳужжатларни;
- компаниянинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низомни;
- компаниянинг йиллик ҳисоботини;
- эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорни;
- акциялар эмиссияси рисоласини;
- бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатларни;
- тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларни;
- акциядорлар умумий йиғилишларининг, кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва компания бошқаруви мажлисларининг баённомаларини, шунингдек компания бошқарув раисининг бўйруқларини;
- компаниянинг аффилланган шахслари рўйхатларини;
- компания акциядорларининг реестрларини;
- компания тафтиш комиссиясининг, аудиторлик ташкилотининг ҳулосалари ва ҳисоботларини, назорат қилувчи давлат органларининг текширувлари далолатномаларини сақлаши шарт.

Компания қонун ҳужжатларига ва компания уставига мувофиқ бошқа ҳужжатларни ҳам сақлаши шарт.

7.3. Компания ушбу Уставнинг 7.2. банди биринчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлардан акциядорларнинг фойдаланиш имкониятини таъминлайди, бундан бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатлар, бошқарув мажлисларининг баённомалари, шунингдек компания бошқарув раисининг бўйруқлари ва компания акциядорларининг реестри мустасно.

Компания акциядорнинг ёзма талабига кўра унга уставда назарда тутилган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини ҳақ эвазига тақдим этиши шарт. Ҳақ миқдори компания томонидан белгиланади ҳамда ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини тайёрлаш харажатларининг қаймагидан ва ҳужжатларни почта орқали жўнатиш билан боғлиқ, харажатлардан ортиб қолмаслиги керак.

Компания сўралаётган ахборотни акциядорга электрон тарзда тақдим қилишга ҳақли.

Акциядорлар компания ёки унинг фаолияти тўғрисидаги хизмат, тижорат сирини ёки қонун билан кўрикланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни ошкор қилишга ҳақли эмас.

8. ФОЙДА ВА ЗАРАЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ, ДИВИДЕНД ТЎЛАШ

8.1. Компаниянинг даромади молия-хўжалик фаолиятининг умумлаштирувчи кўрсаткичи бўлиб, у тушган маблағлар (даромад) билан қилинган харажатлар (суғурта товон тўловлари, суғурта ходисасини олдини олиш тадбирлари харажатлари, иш юритиш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ва бошқалар) ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг қоладиган маблағлар соф фойда ҳисобланади. Бу фойдадан Компания захира ва бошқа фондлари ҳосил қилинади, акциядорлар ўртасида дивидендлар кўринишида тақсимланади ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ва ушбу Уставада кўзда тутилган мақсадларга сарфланади.

Молия-хўжалик фаолияти жараёнида юзага келувчи зарарлар Компаниянинг захира фонди ва мумкин ҳисобидан қопланади.

8.2. Дивидендлар компания тасарруфида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар компаниянинг бўлиниги учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин.

Компания молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра дивидендлар тўланиши ҳақида қарорлар қабул қилиш (тўлов қилиш) ҳуқуқига эга. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра) тўлаш, дивидендларнинг миқдори ҳамда уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Кузатув кенгаши тавсияси асосида ва, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик ҳисоботи мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендлар миқдори Компания Кузатув кенгаши тавсия этган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек ушбу Уставада дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Компания томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Дивиденд тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор тегишли давр тугаганидан сўнг уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

Тўлиқ молия йили якунларига кўра дивидендлар тўлови Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори асосида, ҳар бир чорак, ярим йиллик ва тўққиз ойи натижаларига кўра тўланган дивидендлар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Акциядорларнинг умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ дивидендлар пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд компаниянинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

Компаниянинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар миқдори имтиёзли акциялар номинал қийматининг 25 фоизини ташкил этади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш учун маблағ етарли бўлмаганда захира фонд маблағларидан фойдаланилади.

Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган компания акциядорларининг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган компания акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

Дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда компаниянинг айби билан тўланмаган тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади.

Компания томонидан ҳисобланган дивидендларни ва пеняларни тўлашни акциядор суд тартибда талаб қилишга ҳақли.

8.3. Компания:

- агар дивидендлар тўланадиган пайтда Компанияда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Компанияда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

- агар Компания соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Уставнинг ушбу бандида кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилгач, Компания ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

Компания дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Компания тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қўммуқли қозғалар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва компаниянинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

8.4. Биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар, кейин оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендлар тўлашга етарли фойда мавжуд бўлган тақдирда Компания ушбу акциялар эгаларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Акс ҳолда акциядорлар дивидендлар тўлашни суд орқали талаб қилишлари мумкин. Фойда етарли бўлмаганда ёки Компания зарар кўриб ишлаган бўлса Компания ана шу мақсад учун тузилган ўзининг захира фонди ҳисобидан ва унинг доирасидагина имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаши мумкин.

Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра компания реестрида қолади.

Компания Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт.

Компания акциядорларининг реестридан олинган, компания томонидан тасдиқланган кўчирма ҳолда компания бухгалтериясининг тўланган дивидендларнинг суммаси ва улар ҳисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

8.5. Дивидендларга солиқ солиш солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

9. МОЛИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ

9.1. Компания Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ва тартибда ўз фаолияти бухгалтерия ҳисоб-китобини ҳамда статистик ҳисоботни юритади ва молиявий ҳисобот тақдим этади.

9.2. Компания учун молия йили 1 январдан 31 декабргача белгиланади.

9.3. Компанияда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек компаниянинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган компания фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик компания ижроия органининг зиммасида бўлади.

9.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этилган Компаниянинг йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларни тўғри эканлиги Компаниянинг Тафтиш комиссияси томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

9.5. Компаниянинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончилиги мулкӣ манфаатлари компания ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

9.6. Компаниянинг йиллик ҳисоботи Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган кундан 10 кун кечиктирмай Компания Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

10. КОМПАНИЯ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТ

10.1. Компания қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда ахборотни ошкор қилишни амалга ошириши шарт.

Акциялари фонд биржасининг листингига киритилган тақдирда компания фонд биржасининг расмий веб-сайтида компания уставининг матнини, шу жумладан унга доир ўзгартириш ва қўшимчаларни, шунингдек ошкор этилиши мажбурий бўлган бошқа ахборотни (шу жумладан маълумотли қоғозлар бўйича ҳисоботни) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эълон қилиши шарт.

Фонд биржасининг веб-сайтида ахборотнинг ошкор қилинганлиги компанияни қонунда назарда тутилган ҳолларда давлат органларининг ёзма сўровига кўра ахборот тақдим этиш мажбуриятидан қайтариб қолмайди.

11. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ

11.1. Ички аудит хизмати компаниянинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

11.2. Ички аудит хизмати компаниянинг ижроия органи, филиаллари, бўлинмалари ва суғурта марказлари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-тамоилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек компанияни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали компаниянинг ижроия органи филиаллари, бўлинмалари ва суғурта марказлари ишини назорат қилади ҳамда уларнинг фаолиятига баҳо беради.

Компаниянинг ички аудит хизмати ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши Компанияга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

11.3. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга ҳамда компания кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган Ўзбегмга мувофиқ амалга оширади

12. АУДИТ

12.1. Аудитор (аудитор ташкилот) Компания билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва аудиторлик хулосаси тақдим этади.

Аудиторлик ташкилоти компаниянинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳужжатларидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган қарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши ва аудиторлик ташкилотини ҳамда унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилайди.

Компания устав фондидаги (устав капиталдаги) давлат улуши эллик фоиздан кўп бўлган ҳолда аудиторлик текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибга бўйича танлов асосида амалга оширилади.

12.2. Аудитор Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари асосида хулоса тузади.

Хулосада қуйидагилар бўлмоғи лозим:

- Компаниянинг ҳисоботлари ва бошқа молия ҳужжатларидаги маълумотларнинг тўғричилигига берилган баҳо;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартибининг, шунингдек молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларининг бузилиш ҳолатлари ҳақида ахборот.

13. КОМПАНИЯНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ

13.1. Компанияни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда юридик шахсларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ва ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш фақат ваколатли давлат органларининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

13.2. Қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан Компания 30 кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма равишда хабардор этади. Кредитор Компаниядан мажбуриятларни тўхтатиш ёки муддатидан илгари бажаришни ҳамда зарарнинг ўлчамини қоплашни қуйидаги муддатларда ёзма равишда хабар бериши йўли билан талаб қилишга ҳақлиқдир:

- қўшиб юбориш, бирлаштириш ёки қайта тузиш тарзида қайта ташкил этиш ҳақидаги қарорни Компания кредиторга юборган санадан бошлаб узоғи билан 30 кун ичида;
- бўлиш ёки ажратиш чиқариш тарзида қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорни Компания кредиторга юборган санадан бошлаб узоғи билан 60 кун ичида.

14. КОМПАНИЯНИ ТУГАТИШ

14.1. Компаниянинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибда бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда компания фаолиятини тугатишга сабаб бўлади. Компания қонунда белгиланган тартибда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 53-56 моддаларига мувофиқ, шу жумладан:

- Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан;
- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳўжалик судининг қарорига биноан тугатилади.

14.2. Компания Акциядорларнинг умумий йиғилиши сайлаган ёки ҳўжалик суди тайинлаган тугатиш комиссияси томонидан тугатилади.

14.3. Компания ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда, компаниянинг кузатув кенгаши компанияни тугатиш ва тугатувчини ёки тугатиш комиссиясини тайинлаш тўғрисидаги масалани акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади.

Компания ихтиёрий равишда тугатилаётганда акциядорларининг умумий йиғилиши компанияни тугатиш ва тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади. Тугатиш комиссияси таркибига давлат мулкини тасарруф этишга ваколатли органнинг вакили киритилади.

14.4. Компания суднинг қарорига кўра тугатилаётганда тугатиш комиссиясини тайинлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан эътиборан компания ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади. Тугатиш комиссияси компания номидан судда иштирок этади.

Тугатиш комиссияси компаниянинг тугатилиши ҳақида, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддатлари тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида эълон беради. Кредиторлар томонидан талаблар тақдим этиш учун белгиланган муддат компаниянинг тугатилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги лозим.

14.5. Тугатилаётганда компания кредиторларининг талаблари тугатишни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек Компаниянинг асосий вазифаларини таъминлаш мақсадида келиб чиқадиган харажатлар тўланганидан сўнг қуйидаги тартибда қаноатлантирилади:

биринчи навбатда - ҳаётни суғурта қилиш соҳасида мажбурий суғурта шартномалари бўйича суғурта қилдирувчиларнинг талаблари;

иккинчи навбатда - суғурта қилдирувчиларнинг бошқа мажбурий суғурта шартномалари бўйича талаблари;

учинчи навбатда - бошқа суғурта қилдирувчиларнинг (наф олувчиларнинг) талаблари;

тўртинчи навбатда - бюджетга, бюджетдан ташқари фондларга тўловларни назарда тутувчи тўлов (ижро) ҳужжатлари бўйича талаблар. Кўрсатилган талаблар тўлиқ қаноатлантирилгандан кейин ижтимоий суғурта бўйича талаблар ҳамда жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик туфайли фуқароларнинг мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш бўйича талаблари қаноатлантирилади;

бешинчи навбатда - компаниянинг бошқа кредиторлари талаблари.

14.6. Тугатилаётган компаниянинг кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан кейин қолган мол-мулк тугатувчи томонидан акциядорлар ўртасида қуйидаги навбат бўйича тақсимланади:

биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (янги таҳрирдаги) Қонунининг 40-моддасига мувофиқ қайтариб сотиб олиниши лозим бўлган акциялар бўйича тўловлар амалга оширилади;

иккинчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича ҳисобланган, бироқ тўланмаган дивидендларни ва компания имтиёзли акциялар бўйича ушбу акцияларнинг номинал қиймати тўлаш амалга оширилади;

учинчи навбатда тугатилаётган компаниянинг мол-мулкини оддий акциялар эгалари бўлган акциядорлар ўртасида тақсимлаш амалга оширилади.

Мол-мулкни ҳар бир навбат бўйича тақсимлаш аввалги навбат бўйича мол-мулк тўлиқ тақсимлаб бўлинганидан кейин амалга оширилади.

Агар компаниядаги мавжуд мол-мулк ҳисобланган, бироқ тўланмаган дивидендларни ва компания уставида белгиланган тугатиш қийматини имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган барча акциядорларга тўлаш учун етарли бўлмаса, мол-мулк имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

Мол-мулкни тугатиш қийматининг чет эллик инвестор бўлган акциядорга ўтказиладиган қисmini компания хорижий валютага айирбошлаб бериши шарт.

14.7. Рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувларни киритган пайдан эътиборан компанияни тугатиш тамомланган, компания эса фволиятини тугатган деб ҳисобланади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган компания тугатилганлиги ҳақидаги тегишли ёзувни фақат компаниянинг қимматли қоғозлари чиқарилишлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан кейингина киритади.



Приселатель
приселения

Приселено и приселено
() приселено

Пр. приселитель

S. Shyba
Приселитель
А. Приселитель